

ТАФАККУР ФЕЪЛЛАРИ ТАРЖИМАСИДА СЕМАНТИК ДАРАЖАЛАНИШ ТАМОЙИЛИ

Зилола Ҳабибуллаевна Абидова

Тошкент давлат шарқшунослик университети ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Семантик градуонимия от ва сифат орасида кузатилиши мумкин бўлган маъно муносабатидир. Йирик маънонинг алоҳида бир белгисига асосланган даража муносабатлари феълларда ҳам мавжуд. Хусусан, ақлий фаолият феълларини салбий ёки ижобий бўёқдорлик, интенсивлик ва давомийлик суръатининг ортиб боришига кўра тартиблаш ушбу сўзларни аниқ таржима қилишга кўмаклашади. Зеро мавҳум маънога эга сўзларнинг контекстуал маъносини аниқлаш учун градуонимик ёндашув таржима бирлиги ва аслият ўртасида эквивалентликни таъминлашга хизмат қилади.

***Калит сўзлар:** тафаккур феъллари, градуонимия, даража қатори, услубий бўёқдорлик, феълли бирикма, фразали феъл.*

THE PRINCIPLE OF SEMANTIC GRADUONIMY IN THE TRANSLATION OF MENTAL ACTIVITY VERBS

Zilola Khabibullayevna Abidova

Lecturer, Tashkent state university of oriental studies

ABSTRACT

A semantic graduonimy is a connection that may be observed within nouns or adjectives. Verbs also have degree relationships based on the feature of the main meaning. In particular, the exact translation of these words is helped by sorting the verbs of mental activity by increasing growth, negative or positive connotation, intensity and duration. Thus the graduonymic approach to determining the contextual meaning of words with an abstract meaning serves to ensure the equivalence of the translation unit and the original.

***Key words:** verbs of mental activity, graduonymy, power series, stylistic coloring, verb combination, phrasal verb.*

КИРИШ

Таржима энг мураккаб лингвистик жараёнлардан бири бўлса, бу мураккабликнинг чўққиси, шубҳасиз, бадий матн таржимасидир. Чунки бадий матн фақат ахборот манбаи бўлиш билан чекланмайди. Унда адиб руҳияти, кайфияти, фалсафий тағмаёнолар, маданий-миллий хусусиятлар яширин бўлади. Таржимоннинг вазифаси матн маъноси билан бирга шу кичик,

импликатор (яширин) маъноларни ўтириш, асар моҳиятни тўлақонли очиб беришдан иборат. Бадиий таржимада мутахассис қаршисига қўйиладиган талабларнинг серқирралиги боис ҳар бир таржимон алоҳида бир талабни кўпроқ эътиборга олади. Баъзи мутахассислар асарнинг бадиий баён услубини сақлаб қолишга уринади, бошқалар муаллиф кайфияти ва муносабатини аниқроқ ифодалаш мақсадида бўёқдорлиги бироз юқори бўлган таржима бирликларини қўллайди. Мутахассис мунаққидларнинг фикрига кўра бадиий таржиманинг нотўғриси бўлмайди. Бадиий таржима ёндашув ва услублардаги фарқлар сабаб асл матндан узоқ ёки яқин бўлиши мумкин. Шунда ҳам узоқлик ёки яқинлик даражаси матннинг асос мазмунида эмас, шунчаки, деталлар, баъзи сўзлар каби жузъий ҳолатларда кўзга ташланади. Яъни таржимон қандай баён услубини танламасин у таржима матнида аслият мазмунини тўлиқ қамраб олиши ва акслантириши асосий шартлардан биридир.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бадиий таржимага асл матн билан айнанлик талабини қўйиш ноўрин. Лекин таржимон имкон қадар шу айнанлик даражасига яқинлашишга ҳаракат қилиши лозим. Бунинг учун матнни шартли равишда таржима бирликларига ажратиш, ҳар бир таржима бирлиги марказида лисонда бирор мустақил сўз туркумига оид, гапта мустақил синтактик ваизфани башарувчи нутқий бирлик бўлиши керак. Таржима бирлиги бу биргина сўз эмас, матндаги ҳар бир сўзни алоҳида таржима бирлиги деб ажратиб бўлмайди. Таржима бирлиги – матн ва ҳатто гапнинг кичик мазмуний бўлаги. Аксарият ҳолларда бу бирлик таркибига бир неча сўзлар киради, мазмуний, синтактик марказда эса мустақил сўз туркумига оид сўз – феъл, от, сифат ёки равиш туради. Таржима бирлигининг бошқа тилга муваффақиятли ўтирилиши ана шу марказий сўз маъносини тўлиқ англаш ҳамда ушбу маънони имкон қадар тўлақонли қамраб олган эквивалентни танлай олиш билан бошланади. Бизнинг ҳолатда таржима бирлигининг мазмуний марказини тафаккур феъли ташкил этади. Ўзбек тилидаги онг фаолияти жараёнини англатувчи бирлик ёки бирикмани таржима қилишда ушбу сўзнинг даража қаторидаги ўрнини аниқлаб олиш талаб этилади. Гарчи руҳий ҳолат феъллари мавҳум луғавий маънога эга бўлсада деярли барчаси бошқа тилларда ўз мутаносибига эга. Шунинг учун таржимон луғавий маъноси, градуонимик қатордаги ўрни аслиятга тенг бўлган сўзни танлашда қийналади. Бундай ҳолатда сўз танлашнинг бир неча ёндашувлари мавжуд. Масалан, таржимон тафаккур феълини танлашда маънодош бирликлар орасида ижобий семанинг ортиб боришига кўра тартибга асосланиши мумкин:

Қабул қилмоқ → тан олмоқ → эътироф этмоқ

Бу бирикмалар ижобий бўёқдорликнинг ортиб боришига кўра тартибланган, яъни шу тафаккур фаолияти давомида кишининг ўз ақлий ҳолатидан мамнунлик даражаси ортиб бориши бу даража қаторидаги сўзларни бир-бирига боғлаб турибди. Айни маъно муносабати инглиз тилида қуйидаги сўзлар орасида мавжуд.

Accept → admit → acknowledge

Тафаккур фаолиятида натижанинг аниқлиги даражасига кўра ҳам лексемаларни тартиблаш, таржима учун эквивалент танлашда шу белгининг ортиб боришига асосланиш мумкин.

Сезмоқ → тусмолламоқ → тахмин қилмоқ → билмоқ

Инглиз тилидаги муқобиллар ҳам натижанинг аниқлиги даражасига кўра тартиблана олади.

To sense → to foresee → to predict → to know

Аслиятга эквивалент бирлик танлашда маълум бир тафаккур феълининг жадаллик ёки давомийлик маъносидан ҳам келиб чиқиш мумкин. Бунда маънодошлар ҳосил қиладиган чигал семантик тугун сўзларнинг жадаллик ёки давомийлик семик белгиси ортиб боришига асосланади.

Ўйламоқ → мушоҳада қилмоқ → тафаккур қилмоқ

To think → to ponder → to consider

Кўриниб турганидек даража қаторида лексемалар ва бирикмали феъллар ҳам ўрин олиши мумкин. Инглиз тилида ҳам бу белги асосида предлогли феъллар ва соф феъллар даража қаторида тартибланиши мумкин. Таржимада даража қаторидаги ўрнига кўра мос бирлик топилганда унинг шаклий характеристикаси муҳим аҳамият касб этмайди. Ўзбек тилидаги бир лексик бирлик инглиз тилига сўз бирикмаси шаклида ўгирилиши мумкин. Бундай ҳолат матннинг умумий мазмунига ҳам, услубий хусусиятларига ҳам ҳеч қандай зарар етказмайди.

Бадиий таржима матнни мураккаб структур қурилма сифатида баҳолаб ундаги ҳар бир восита бошқаси билан турли муносабатларга киришишини назарда тутишни, ушбу бирликлар умумлашиб яхлит бир мазмунни ифодалашини идрок этишни талаб қилади. Таржимон матннинг бадиий моҳиятини англаши, бадиий-эстетик қийматини тушуниб етишни керак. Фақат шу шарт асносида бадиий матннинг бошқа тилдаги интерпретацияси шаклланади. Бадиий матнда онг фаолиятини анлатиш фақат феъллар билан чекланмасдан, бирикмалар, турли идиомалар зиммасига ҳам тушиши мумкин. Таржимада бундай лингвомаданий ўзига хосликларни нейтрал шаклда, биргина тафаккур феъли орқали ўгириш ёки шу ибора, бирикмага мазмунан яқин

эквиваленти воситасида бериш танлови мавжуд. Бир тилда бор бўлган ибора ёки бирикманинг бошқа тилда эквиваленти бўлмаса айна маънони ифодаловчи тафаккур феълига мурожаат қилса бўлади. Бошқа ҳолатларда имкон қадар эквивалент ибора ёки бирикмадан фойдаланиш керак. Масалан:

ЎЗБЕКЧА ИБОРА\БИРИКМА	МАЪНОСИ	ИНГЛИЗЧА ИБОРА\БИРИКМА
чучварани хом санамоқ	янглиш тушунмоқ	be under a delusion
кўздан қочирмоқ	беътибор қолдирмоқ	to lose attention
бош қотирмоқ	мушоҳадаламоқ	to sink into a reverie
юлдуз санамоқ	хаёл сурмоқ	to castle in the air
хомчўт қилмоқ	Ҳисобламоқ	size up
ақли равшанлашмоқ	Тушунмоқ	get the picture

Юқоридаги каби бирикмалар фақат бадиий матн котеҗстида учраб матннинг тасвирий хусусиятларини юксалтиришга хизмат қилади. Шунинг учун таржимда труктур-компонент жиҳатдан фарқли бўлса ҳамайни маънога эга бирикмалар, иборалардан фойдаланиш муаллиф баён услубини сақлаб қолишга кўмак беради.

ХУЛОСА

Таржиманинг адекватлик даражасини баҳолаш, адекватликка риоя қилиш каби масалалар тилшуносликнинг ушбу амалий соҳасининг асосий масалалардан бўлиб қолади. Айниқса, мавҳум маъноларга эга сўзлар таржимаси масаласида адекватлик муаммоси ўткирлашади. Маълум, таржимон матннинг мазмунини сақлаб қолишга ва услубий ғализликларни бартараф этишга ҳаракат қиларкан таркибаги ҳар бир сўз таржимасида эквивалентликни сақлаб қолиши қийин. Шундай бўлса ҳам мавҳум маъноларни англатувчи тафаккур феъллари таржимасида бундай мураккабликлар кам учрайди. Чунки ўзбек тилидаги сўз, бирикма, ибора маъносига тенг келувчи бирликлар инглиз тилида ҳам мавжуд. Таржима жараёнида ушбу бирликлар шаклан, ҳажман ва ҳатто қўлланиш ўрнига кўра ҳам мос келмсада асосий луғавий маносига кўра эквивалент бўла олади. Маънодошлари ва вариантдошлари кўп бўлган тафаккур феълларининг айнан эквивалентини танлашда ушбу феълларни даража қаторига қўйиш ўринлидир. Таржимон феъллар орасида ижобий\салбий бўёқдорлик, аниқлик, интенсивлик ва узлуксизлик каби маъно белгиларининг ортиб ёки камайиб боришига асосланиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)

1. Rishatovna, Babaeva Komila, et al. "Modern foreign popular music as a means of teaching an english language to students of a non-linguistic profile." *International journal of psychosocial rehabilitation* 24.1 (2020): 1901-1905.
2. Abidova, Zilola Khabibullayevna. "Translation Problems of Verbs of Thought in Different System Languages." *Journal of Intellectual Property and Human Rights* 2.2 (2023): 1-5.
3. Shirin Bakhtiyarovna Sadikova. (2022). DEFINITION OF MYSTIC TEACHING AND METHODS IN NAVAI PHILOSOPHY. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7238815>
4. Abidova Zilola Xabibullaevna. Ingliz tilida f'el va f'el kategoriyalari tadqiqi
5. Til o'qitish: yangi yondoshuv va innovatsiyalar. Toshkent sharqshunoslik Universiteti: 2022/5/10 pp.92-95
6. Абдуллаева, М. Р. ИНГЛИЗ–ЎЗБЕК БАДИЙ ТАРЖИМАЛАРИДА МУҚОБИЛ ВАРИАНТНИ ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ.
7. Saidakbarova, S. P. (2022). Classification of English and Uzbek idioms depending on gastronomic codes. *Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities*, 12(5), 51-55.
8. Abidova, Z. X. (2022). Ingliz va o'zbek tillaridagi tafakkur fe'llarining tahlili. *Scientific progress*, 3(2), 736-739.
9. Абдуллаева, М. (2022). Инглиз–ўзбек бадий таржималарида муқобил вариантни шаклланиш ва ривожланиш босқичлари. *Переводоведение: проблемы, решения и перспективы*, (1), 78-81.
10. Saodat, Saidakbarova. "THE BENEFITS OF USING CRITICAL INCIDENTS IN TEACHING LANGUAGES." Conference. PERSPECTIVES OF IMPLEMENTING INTERNATIONAL EXPERIENCE IN FOREIGN LANGUAGES TEACHING. Vol. 11. 2021.
11. Shirin Bakhtiyarovna Sadikova. The impact of the images of Navoi's works on Uzbek poetry. INTERNATIONAL SCIENTIFIC -ONLINE CONFERENCE: INTELLECTUAL EDUCATION 1/2022 pp.47-52
12. Sadiqova Shirin Bakhtiyorovna Art of the chapter dedicated to the heritage of Alisher Navoi in the epic "Khamisa" Хива: Хозарм маъмун академияси ахборотномаси 5/2022 pp.86-88
13. Akhmedova, S. I. (2022). CHARACTERISTICS AND STYLES OF MAGIC REALISM IN THE WORKS OF CHINESE AND GULF ARAB COUNTRY

WRITERS. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 26), 347-351.

14. Sadikova, S. B. (2022). DEFINITION OF MYSTIC TEACHING AND METHODS IN NAVAI PHILOSOPHY. *Talqin va tadqiqotlar ilmiy-uslubiy jurnali*, 1(2), 55-61.

15. Ahmedova, S. I. (2021). Xitoy va ko 'rfaz arab mamlakatlari yozuvchilari asarlarida magik realizmning xususiyatlari va uslublari. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(Special Issue 1), 369-375.